



ТАСДИҚЛАЙМАН  
«Шўртан ГКМ» МЧЖ Эксперт-  
техник комиссияси раиси  
Ф.Куватов  
«\_\_\_» 2023 йил

№: \_\_\_\_\_



### ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

“Шўртан газ кимё мажмуаси” МЧЖнинг 20 йиллиги муносабати билан  
мажмуа ҳақида “Истиқлол мўжизаси” китобини нашрдан чиқариш хизмати

ШГКМ – 2023 йил

## 1. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

<b>1.1. Номи</b>
“Шўртан ГКМ” МЧЖ (кейинги ўринларда – Мажмуа)нинг 20 йиллиги муносабати билан мажмуа ҳақида “Истиқлол мўжизаси” китобини нашрдан чиқариш хизмати
<b>1.2. Хизматларнинг асоси ва мақсади</b>
Асос: Навбатдан ташқари буюртма. Мажмуа бош директори ўринбосарининг 2022 йил 05 июль кунидаги 020/13495-сонли хизмат хати. Мақсад: Мажмуанинг 20 йиллиги муносабати билан фахрий меҳмонлар ва мажмуа ходимларига эсдалик учун тарқатиш.

## 2. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

№	Ишлар ва хизматлар номи	Иш ва хизматнинг тавсифи (белгиланган мақсадга эришиш учун бажариладиган ишларнинг батафсил рўйхати)
1	“ШГКМнинг 20 йиллиги”га бағишлиланган “Истиқлол мўжизаси” китоби нашриёт ишлари: китоб дизайнини ишлаб чиқиш, 1000 га яқин архив фотосуратларини ретуш ва реставрация қилиш, буюртмачининг манзилида суратга олиш, материалнинг жойлашуви ва техник таҳрири, нашриёт штампини белгилаш ва чоп этишга тайёрлаш	<p>Номи: “Истиқлол мўжизаси” Тираж: 400 дона оддий ва 100 дона эксклюзив тиражда Шакли: Қаттиқ муковали китоб Тайёр китоб ўлчами: 90*60 1/8, тўплам 2 жилдан иборат Ҳар бир жилдинг ҳажми: 800 бетдан иборат Матн блоки: Зичлиги 130 г/кв. м. бўлган ок рангли бўрланган ялтироқ (мелованная глянцевая) қофоз Нашр ранги 4+4 (CMYK – полноцвет). Форзац без запечатки (дизайнерская бумага тонированная в массе) Ҳар бир блок ип билан тикилган Мукова 7БЦ – каттиқ целлофанланган қофозли. Томонлари МДФдан (икки томонлама силлик – двусторонний гладкий), (Выборочный 3Д лак и фольгирование по элементам дизайна) 2 мм дан калин бўлмаслиги лозим, коплама материал билан копланган, коплама сифатида юз томонида рангли расм билан нашр қилинган зичлиги 115-135 гр/кв. м. бўлган бўрланган (мелованная) қофоздан фойдаланилсин. Нашр қилинган қофоз юз томонидан 24 мкм қалинликдаги хира (матовая) плёнка билан ламинатланиши, танланган элементларнинг лакланиши ҳамда мукованинг ички томонига қайрилган ҳолда переплёт ва корешокнинг картон томонларига каширланиши (елимланиши) лозим (переплет эксклюзивный кожаный с использованием многоуровневого тиснения, а также с кожанным футляром для двух томов). Нашр 4+0 (CMYK – полноцвет), ялтироқ (глянцевый) ламинат. Кўшимча шартлар: Ушбу китоб Мажмуа ташкил этилганлигининг 20 йиллиги муносабати билан ШГКМ тарихи, бугуни ва эртасини ёритиб бериши лозим. Китобнинг ҳам эксклюзив, ҳам оддий тиражининг дизайнни ва қофоз сифати Мажмуа билан аввалдан келишини лозим. Китоб эксклюзив тиражи Мажмуа билан келишини техник маҳсус дизайннаги ва материалдаги қути билан таъминланиши лозим.</p>



### **3. ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

- 3.1. Ижрочи мазкур техник топширикка мос сифатда маҳсулот тайёрлайди ва дизайнни ҳамда сифатини келишиш учун ҳам эксклюзив, ҳам оддий тиражи учун биттадан намунани Мажмуага етказади.
- 3.2. Мажмуа томонидан келишилган дизайн Ижрочи ва Мажмуа ўртасида далолатнома расмийлаштирилади.
- 3.3. Ижрочи томонидан тайёрланган тайёр маҳсулотлар Мажмуа омборига етказиб берилади ҳамда сифати ва микдори бўйича текшириб, қабул қилинади.
- 3.4. Етказиб берилган маҳсулотлар сифати ва микдори бўйича эътиrozлар бўлганда Ижрочи ўз хисобидан уларни тўғрилаши ёки бошқа янгисига алмаштириши шарт.

### **4. ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАР КАФОЛАТИГА ТАЛАБЛАР**

Бажарилган ишлар ва хизматлар сифатига Ижрочи томонидан Ўзбекистон Республикаси худудида ўрнатилган кафолатларни тақдим этилади.

### **5. ИЖРОЧИГА ТАЛАБЛАР**

Ижрочи қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

1. Тугатилиш ёки банкротлик арафасида бўлмаслиги;
2. Мажмуа билан судлашув ўтказган ва судлашув жараёнида бўлмаслиги;
3. Ноинсоф етказиб берувчилар реестрида бўлмаслиги;
4. Солиқ ва бошқа турдаги қарздорликлари бўлмаслиги;
5. Китоб нашр қилиш фаолияти билан шуғулланиш учун Лицензиясини мавжудлиги;
6. Фаолияти ҳақида қисқача аннотация тақдим қилиши.

### **6. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ**

Ҳар бир етказиб берилган маҳсулот партияси учун томонлар ўртасида бажарилган ишлар ва хизматлар далолатномаси расмийлаштирилгандан сўнг 10 календарь кунида Ижрочи хисоб рақамига пул ўтказиш йўли орқали тўлов амалга оширилади.

### **7. БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИ ЕТКАЗИШ ЖОЙИ**

Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан кўрғони 180300

*Ишлаб чиқди:*

Ижтимоий ривожлантириш хизмати бошлиғи



О.Бердиев

*Келишилди:*

Бош муҳандис ўринбосари-ИБХ бошлиғи:



М. Бойкобилов  
T. Диёров  
А. Остонов

ОБСГ раҳбари:

МТРБХ муҳандиси: